

ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОЗЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЛ ЧИКИШИ | № 90 (4806) | 9 май, 1973 йил ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАНДИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент область партия ташкилоты активининг 8 май кунин буюб ўтган йилги КПСС Марказий Комитети 1973 йил апрель Пленумининг «Партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг ҳалқаро фаолияти тўғрисида» йиғилишининг вазифаларини муҳокама қилди.

Партия ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси гулдор қараскал остида йиғилишнинг фахрий президиумига «айланди».

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахон, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари И. И. Федорин, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари П. Ю. Юсупов, Юкори Чирчик районидаги «Политотдел» колхозининг раиси М. Г. Хаев, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари В. К. Мимрина ва бошқа нотидлар КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларини жуда қатъий ва назарий аҳамиятга

эга эканлигини таъкидладилар. Нотидлар пойтахт области ҳамма коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг фикри-зиқри ва ҳис-ҳуйғуларини ифодалаб, меҳнат аҳлининг фароғати ва бахт-саодати тўғрисида, бутун дунёда мустақам тинчликни таъминлаш ҳақида тинишсиз равишда қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий Бюроси ва шаҳсан Л. И. Брежневга қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

— Совет ҳалқи партия XXIV съезидан кейин Коммунист партия раҳбарлигида коммунист қурилишда, социалистик ватанинг иқтисодий ва мадфиа қудратини, унинг ҳалқаро позицияларини мустақамлашда янги алоқиб муваффақиятларга эришганини ҳаммамизни қувонтирди, деди «Ташсельмаш» заводининг пармаловчиси Б. В. Ефремов. — Биз коммунист қурилиш практикаси, ҳалқаро муносабатларнинг ривож келтириб чиқараётган йиғилиш проблемаларини ишлаб чиқишга ва ҳал этишга чуқур иж-

дий ёндашётганлиги учун Леонид Ильич Брежневга ишчилар номидан раҳмат айтаямиз. Матонатли ленинчи коммунист Л. И. Брежневга «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» ҳалқаро Ленин мукофоти берилганини ҳаммамизни беиҳқо мамнун этди.

Машинасозлар, деб таъкидлади Б. В. Ефремов, Ватан бахт-содиқлиги фидокорона меҳнат қилиб, юксак оғиллик кўрсатиб, исониятнинг тинчлигини ва социал таракқийини таъминлашга янада кўпроқ ҳисса қўшишга иштилоқдалар. Тўрт ойлик плани муддатдан аввал бажариб бўлган «Ташсельмаш» заводи коллективининг, янада умумироқ пахта териш машинасини қўлаб ишлаб чиқара бошлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Бекобод районидagi Ленин номи колхоз бригадир А. Рўзметов ва апрель Пленумининг материалларини қишлоқ меҳнатчилари бажонид қизғин қўлаб-қувватлаганликлари тўғрисида таъкир берди. Пахтакорлар пленум қарорларидан партиямиз Марказий Коми-

тетини, шаҳсан ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXIV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилаётганликлариининг янги ёрқин далилини кўрадилар. Пленум қарорларидан руҳланган колхозчилар беш йилликнинг учинчи йилида йўл ҳосил олиш учун мусобақани қўймоқдалар. А. Рўзметов бригадаси аввали наждақчиларини қайта кўриб чиқиб, гостар бошига 32 центнер эмас, балки 35 центнер пахта ештиришга ва ҳосилнинг ҳаммида тўқсон процентини машинада териб олишга қарор қилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигида кандидат, Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок қилди.

Қабул қилинган резолюцияда йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорини қизғин маъқуладилар. Улар ишотириб айтдиларки, Тошкент областининг партия

ташкilotи ўзининг омма орасидаги бутун ташкilotчилик ва сиёсий ишлари партия XXIV съезди тарихий қарорларини янада муваффақиятлорқ амалга ошириш учун курашга буюдан буюн ҳам хизмат қилдира беради ва мамлакатинида коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўша беради.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга зўр ақдйлик билан табрик телеграммаси йўллаб, унга «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» ҳалқаро Ленин мукофоти берилганини муносабати билан сазимий қутловлар йўлладилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигида кандидатлари И. Г. Анисимкин, С. Е. Беловожако, А. Д. Бесчастнов, И. Р. Қурбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матюнов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Махмудов, Г. М. Орлов, С. Р. Раулов, С. У. Султонова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



1975 ЙИЛ ҲИСОВИГА

Анна Савельева 1975 йил ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. А. Савельева йигирма йилдирки, Чирчикдаги «Гуляч» тўқувчилик фабрикасида узлуksиз меҳнат қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида у тўқувчилик касбиятининг янги сирини пухта эгаллаб олди. Беш йилликнинг бошида тошкентлик тўқувчи Лидия Казанцева ташаббусига қўшилиб, беш йиллик топиригини муддатидан олдин баянришга киришган эди, бутун жана шу сў-

зининг устидан муваффақиятли чиқмоқда. Анна Савельева ўз мусобақадони Ш. Аллевандан 2 ой илгарилаб кетди. У. Нажмиддинова, Т. Петренко, Т. Баранова каби тўқувчилар ҳам А. Савельева билан изма-из келмоқдалар. Шу кунларда фабрикада беш йилликнинг сўнги йили ҳисовига маҳсулот топираётганлар сон 30 кишидан ошди. 123 киши эса 1974 йил ҳисовига меҳнат қилмоқдалар.

Б У Ю Н ЖАСОРАТ

Осмондан ва ердан туриб берилётган узлуksиз кучли зарбалар остида бутун шаҳар ёнимоқда. Берлин осмонини қон-қора тун қоплаб олган. Қўчалар йиғил ва ойна синиклариди, ҳар қадарда ёнаётган танклар ва фашистларнинг жасадлари учрайди. Йонувлаб ёнаётган Рейхстаг тепасида қилиқ байроқ — Ғалаба байроғи ҳилираб кўзга ташланади.

Халқи отишмалар, замбаракларнинг гулурлаши тингани йўқ. Аммо, Рейхстаг колоннаси ёнида бизнинг совет солдатларини қучоқлаб, ўпишиб, даҳшатли уруш тугатганини билан бир-бирларини таъриклamoқдалар.

1945 йилнинг унутилмас 9 Майнинг кўз олдимда ана шундай намоён бўлди. 1418 кеша-кундуз давом этган, совет ҳалқи бошига жуда қатъий қўлат қўлатган урушнинг тугатилишига 28 йил бўлди. Аммо, қанча вақт ўтмасин у йиллар ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайди.

Бизнинг солдатларимиз урушнинг биринчи кунидан бошлаб, то охириг қунгига қадар алоқиб қаҳрамонлик ва социалистик Ватанга, жонон Коммунист партиянинг улугу гола-рига чексиз садоқат намуналарини кўрсатдилар. Уруш бошлангач 1941 йил 22 июнь кунидак ҳаво жангларидан бирда урушчи кўн-корлар ўз самовийнинг битти билан фашист қучуқининг дунини узириб юборди. Урушнинг бешинчи кунида бутун дунёга учувчи Николай Гастелло эшиқининг алоқиб қаҳрамонлиги маълум бўлди. Қаҳрамон учувчи ўзининг ёнаётган самовийини душман танк-лари колоннасини келтириб урди. Шундан кейин Шенчун ва Абдиров каби шошли учувчиларимиз ҳам ана шундай қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Маълумки, фашистлар Германияси Ватанимизга уруш эълон қилмай ҳиёнаткорона ҳужум қилдилар. Совет Армияси урушнинг биринчи ойларида вақтинча чекинишга мажбур бўлди. Аммо, улар чекина туриб ҳам душманга жуда қатъий талофот етказдилар. Қўршовда қолган жангчиларимиз ҳам совет киши-сига хос қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Гитлерчилар босиб олган ерларда кўз кўриб, қўлоқ эшитишдан йиртқиқлик қилиб, совет ҳалқининг руҳини синдиришмоқчи бўли-лар. Аммо, улар ҳалқимизнинг жуда қатъий ғазабига дуч келдилар. Ҳамма жойда партизанлик ҳаракати бошлангач кетди. Ҳалқ саркардалари Ковал, Медведев, Сабуров ва бош-қалар раҳбарлигида бутун бир партизан қў-шунмалари вужудга келтирилди. Улар ҳам-ма жойда темир йўл кўприкларини, душман-нинг ҳарбий юк ортган эшелонларини портла-тиб юборар, Германияга ҳайдаб кетилаётган совет кишиларини овоз қилар эдилар. Ҳамма жойда ҳалқ қасоскорлари кураш бошлаб юборган эди. Душман вақтинча босиб олган ерларда партизанлик ҳаракатидан ташқари, Коммунист партия раҳбарлигида ишчири ташкilotлар ҳам иш олиб бордилар. Красно-дон қаҳрамонлари, Дюдинош шаҳридан яши-ри ташкilot аъзоларининг фаолияти ҳозир

бутун дунёга маълум. Совет ҳалқининг ажойиб қилари Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина ва бошқаларнинг номлари тилларда достон бўлди.

Душманга қарши курашга бутун ҳалқ оёқ-ка турди. Жанг кун сайин даҳшатли тус ола-борди. Душман қатъий талофот кўраётганига қарамасдан Ватанимиз пойтахти Москвага ниятлар эди. Москва остоналарида бўлган жанг-ларда Туркистон ҳарбий Округиди тарбия-ланган, Қирғизистон ССРининг сойб ҳарбий комиссари, генерал Панфилов қўмондонлик қилган гвардиячи дивизия бутун дунёни ҳай-ратда қолдирадиган қаҳрамонлик кўрсатди. Бу дивизия сафида рус, қозоқ, ўзбек, қир-ғиз, украин, тожик ва бошқа миллат вакилла-ри бор эди. Душманин 50 дан ортиқ танки-нинг йўлини мармар қон бўлиб тўсган бу 28 қаҳрамоннинг жасорати ҳанузгача ҳаммамиз ҳайжонга солади. «Россия кенг, аммо чек-инишга жой йўқ. Оқрада Москва!» Рота полк-и В. Ключковининг бу сўзлари оғиздан-оғиз-га қўлиб юрди, совет солдатлари учун буй-руқ тусини олди. Душман Москвага яқин к-лолмади. Аксинча гвардиячиларимизнинг кес-кин зарбалари остида қўлаб ҳарбий техника-ларини қолдириб, чекинишга мажбур бўлди. Душманин «илин»дек зарба бериш ва герман армиясининг енгилмаслигини ҳақиқатда сафасатлари худди шу Москва остоналарида барбод этилди.

Биз фронтониклар улугу рус дарёси Волга бўйидаги жангларини ҳеч қачон унутма-ймиз. Икки миллиондан ортиқ киши 2000 кеша ва кундуз бир-бирлари билан юзма-юз туриб, шафқатсиз ҳаёт-мамот жангини қилдилар. Шаҳар бутунлай вайрон этилди. Ҳатто, би-ноларнинг гиштлари ҳам лаҳза чўб бўлиб ё-ниган эди. Совет жангчилари ҳар бир уй, ҳар бир кўча ва квартални мустақам қўриғига айлантирдилар. Солдатларимизнинг, офи-цер ва генералларимизнинг қаҳрамонлигини таъ-риф-таъсиф қилишга сўз тополмайсан киши.

Худди шу жангларда 94 ва 90-алоҳида ўз-бек ўқли бригадаси жангчилари ҳам қаҳра-монлик кўрсатдилар. «Биз фронтга серуёш Ўзбекистондан келдик, — деб ёзган эди сол-дат ва офицерлар — бизнинг оталаримиз, оналаримиз ва болаларимиз душманин шаф-қатсиз қиринлар, уларни азиз ва пок Ва-танимиз туپроғидан тезроқ улоқтириб ташла-лар, деб нақоз берган. Улугу шаҳар Сталин-граддин ҳимоя қилишимиз жононко Ўзбекис-тонини ҳимоя қилишимиз демокдир».

Совет Армиясининг Сталинградда олиб борган операцияси туғайли 330 мингга ис-мис-фашист армияси ўраб олиниб яқсон қи-линди. Курскдаги танк жангини ҳам айтиб ўттиш керак. Бу жангда ҳар икки томондан ўш мингта яқин танк иштирок этди. Бу жан-ларда совет танкчиларининг буюклимас иро-даси, ўз ҳалқи ва Ватанига садоқати ана бир марта намоён бўлди.

Совет саркардалари ва бутун жангчилар душманин Ватанимиз туپроғидан тезроқ қу-виб чиқариш учун ҳамма чораларни қўри-лар. Биз фашистлар армиясига кетма-кет зар-ба бериб, ғарб томон борар эканмиз, уйлар-

нинг биридаги деворга ўйиб ёзилган шундай бир хатни ўқидик: «Мен ҳали жуда ёшман. Шунинг учун ҳам ҳаётини жуда севаман, аммо ҳалқим ва Ватанимни уздам ҳам ортиқ сева-ман. Фашистлар шунки яқин билсинларки, қу-ёшни сўндириб бўлмаганидек, совет ҳалқини ҳам енгиб бўлмайди».

Ленинград қамалда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбек жангчиси Қайом Раҳмоновнинг қўрағидан тошилган хатда шундай дейлади: «Ҳаёт — бу Ватан демокдир. Ватан бу ме-нинг оилам, меннинг қишлоғим ва бутун со-вет мамлакатидир. Фашистлар мамлакатимиз-га бостириб кирганида бизнинг Фарғона во-дийимиз титраб кетгандай бўлди. Мен Ўзбекис-тондан Ленинградга ҳимоя қилишни келган-ман. Биз жононко Ватанимиз ҳимоя қилиш учун жононкимиз аямиямиз». Юрий Смирнов, Александр Матросов, Тўйчи Эркингов ва бошқа қаҳрамонлар душманга нисбатан шаф-қатсиз жанг қилиш намунасини кўрсатдилар, уларнинг қаҳрамонлигини жуда кўн совет жангчилари таъриклamoқдалар.

1945 йил апрель ойининг бошларида 1-Белорусия фронтининг 42 мингдан ортиқ тўн ва миномётлари зарбаси остида душман-нинг сўнги қароғоҳи Одер дарёсидан ўти-ди ва Берлинга томон йўл олди. 22 апрел-да мен қўмондонлик қилган артиллерия полки Берлин атрофидagi Мельсдорф шаҳридан ту-риб, Берлинга қараб шиддатли ўт очди. Бер-лин қўчаларида омонсиз жанг бошлангач кет-ди. Батарейларимизнинг Александр-пашага қандай чиққилини ҳалигача кўз ўнгимда. Бу ердан бизга Рейхстаг аққол кўриниб тура-ди.

Совет Ватани ва ҳукуматимиз жангчилари-мизнинг қаҳрамонлигини муносиб таъкирла-дилар. 11527 кишига Совет Иттифоқи Қаҳра-мони унвони берилди. Шундан 78 жангчи ўзбек ҳалқининг шоли фарзандларидир. Бу-тун биз Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари пол-ковник Б. Бобоев, полковник Ш. Умаров, со-йб партизан М. Топилов, Ўзбекистон ҳалқ расоми С. Абдуллаев, педагог А. Қур-банов, механизатор П. Трайнин, А. Шукров ва бошқаларнинг номини фахрли раб тилга оламиз.

Бутун совет ҳалқи Ватанимиз озодлиги учун олиб борилган шиддатли жангларда қаҳ-рамонларча ҳалок бўлган халоскорларимизни ҳеч қачон унутмайлик.

Совет Иттифонининг Улугу Ватан урушида жаҳоншумул-тарихий ғалаба қозонганилиги бу, социалистик системанин бутун капиталистик системадан устулигини аққол намоён қи-либ кўрсатди. Бу ғалаба Совет Иттифонини ва давлат буюмнинг ўз умирини ишлаб бўлган, чириб тураётган империализм устидан ғалаба-синдир. У бутун дунёга совет ҳалқи ва Ком-мунист партиянинг монолит жисмислигини ва бирлигини ана бир марта исбот қилиб бер-ди.

Улугу Ватан уруши даҳшатлари ҳеч ким-нинг ёдидан чиққан йўқ ва чиқмайди ҳам. Биз оғир жангларда қўлга киритган бутун ға-лабаларимизни, совет ҳалқи ва партиямиз учун қадри бўлган ҳамма нарсани эҳтиёт қилиб асрашимиз керак. Совет ҳалқи ўз Қўроли Кучларини доимо мустақамлаш ва жанговар ҳолатда туриши лозимлигини жуда яқин билди. Бизнинг жангчиларимиз ўз ҳарбий маҳоратларини мунтазам суратда оши-риб бориб, севимли Ватанимизга ва бошқа со-циалистик мамлакатларга ҳужум қилишга бо-тинган ҳар қандай агрессорга қашқатлиқ зарба беришга доим тайёр турибдилар.

Ф. НОРХУЖАЕВ,
артиллерия генерал-лейтенанти.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ Б У Й Р У Ф И

1973 йил 9 май.

№ 103

Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқ-лар!

Прапорщик ва мишман ўртоқлар! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар! Армия ва флотнинг ветеранлари, Улуг Ватан урушининг ҳамма қатнашчилари, ўртоқлар!

Бутун совет ҳалқи ва унинг жангчилари, қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бу-тун таракқийларар исоният фашистлар Германия-сини устидан қозонилган жаҳоншумул-тарихий ға-лабанинг 28 йиллигини нишонлайдилар.

Улугу Ватан уруши Ватанимизнинг тарихида энг оғир снов бўлди. Совет ҳалқи ва унинг қўролли кучлари бу синовга шараф билан бардош бердилар. Улар фашист агрессорларни тор-мор келтиришга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар. Армия ва флот жанг-чилари, фронт орасидagi меҳнаткашлар, партизан-лар Коммунист партия раҳбарлигида юксак маъ-навий руҳ, ислохот сабот-матонат, фидокорлик ва жасоратин намоён қилдилар. Мамлакатимиздаги барча миллатлар ва елгалар бу урушда қўрсатган маршавий-сиёсий бирлик, қариндошлар жанговар иттифон, оммавий қаҳрамонлигини буюнла наму-налари тарихда қўрилган эмас. Унинг социалис-тик ғалабаларини натиқ туриб ҳимол қилган, жа-ҳон маданиятининг фашист вахшичилиги ҳафидан қутқазган ва халқларнинг озолини курашига қўд-ратли мадад берган совет кишиларининг шоли ба-ҳодирона жасорати асрлар буйн ҳеч қачон сўнма-йди. Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалаба Совет давлатининг енгилмаслигини, соци-алистик тусузмнинг буюк афзалликларини, бу тусузм-нинг капитализмга нисбатан шубҳасиз устулигини исбот қилувчи далил бўлди.

Бизнинг мамлакатимиз урушдан кейинги йиллар-да коммунист қурилишда янгидан-янг буюк му-ваффақиятларга эришди. Совет Иттифоқи меҳнат-кашлари эндиликда КПСС XXIV съездининг қарор-ларини, партия Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь ва апрель пленумлари қўйган вазифаларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Респу-блика Иттифонининг элли йиллиги тўғрисида» қилган докладыда қўйилган вазифаларини муваф-фақиятлорқ амалга оширмоқдалар. Мамлакатда ялғор қорқоналар, колхозлар, қурилишлар коллективла-рининг ташаббуси билан туғизилган беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили топириқларини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусо-бақаси кенг азия олиб кетди. Ишчилар синфи, кол-хозчи деҳқонлар, халқ эиёлилари меҳнат унумдо-лигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун курашмоқдалар, кам харж қилиб, қў-роқ яқин сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун резервларини қидириб топтомоқдалар. Совет киши-ларини ҳаёт кун сайин яқин, маънавий жиҳатдан сермозун бўлиб қолмоқда.

КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан ташқи сиёсий программа сабот-матонат билан амалга ошири-моқда. Совет Иттифонини, қардош социализм мам-лактлари ва барча тинчликсевар кучларнинг зўр бе-риб қилаётган ҳаракатини туғайли халқаро вазиятни

Оҳангарон район партия коми-тетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўр-ди.

Пленум Х. Обидовин район пар-тия комитетининг биринчи секре-

анга компатишга ва давлатлар ўртасидан ўзаро муносабатларини яқинлашга эришиди. Қаҳрамон Вьетнам халқининг империалистик агрессия кучла-ри устидан қозонган ғалабаси тинчлик ва озолини ишнинг буюк ютуғи бўлди. Умумеропа хавфсиз-лиги ва ҳамкорлиги йўлидаги ҳаракат кенгайиб бор-моқда.

Шу билан бирга империалистик давлатларда ҳа-ди ҳам таъсир ўтказётган реакция кучлар иш-қўрмоқдалар. Бу кучлар халқларнинг мустақам тинчлик ва хавфсизлига эришишга тўсқинлик қилмоқдалар. Халқаро кескинлик ўчоқлари ҳануз сақланиб қолмоқда. Яқин Шарқи Исроил агрессия-сининг оқибатлари тугатилган эмас.

Совет кишилари империализм агрессия доирала-рининг кирдиқорларини серақли билан кузатиб турибдилар, ўз меҳнати ва билимин мамлакатининг иқтисодий ҳамда мадфиа қудратини янада мустақ-камлаш ишига бажонид қилишга тўсқинлик қилмоқдалар. Халқаро кескинлик ўчоқлари ҳануз сақланиб қолмоқда. Яқин Шарқи Исроил агрессия-сининг оқибатлари тугатилган эмас.

Ўз Ватанига, партия ва халқга чексиз содиқ, шоли жанговар традицияларга содиқ бўлган совет жангчилари Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг армиялари билан мустақам ҳам-дўстликда социализмининг буюк ғалабаларини зай-раклик билан қўриқмоқдалар ва ҳар қандай аг-рессорини узи-кесил тор-мор қилиш учун ҳаммиша шай бўлиб турибдилар.

Армия ва флотнинг шахсий составини, Улуг Ва-тан урушининг ҳамма қатнашчиларини ғалаба ба-раки билан таъриклamoқда ва қутлайман!

Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонил-ган куннинг 28 йиллигини нишонлаш учун буюра-ман!

Бутун, 9 майда маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти—қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифондош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳ-рамон шаҳарлар—Ленинград, Волгоград, Севасто-поль, Одессада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунинг-дек Мурманск, Свердловск, Новосибирск, Хаба-ровск, Владивосток шаҳарларида тўрлардан бир йў-ла ўттиз марта ўқ узиб салот берилсин.

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамон-ларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин улугу совет ҳалқи ва унинг павкатли Қу-ролли Кучлари!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкilotчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СССР Мудофаа министри

Совет Иттифоқи маршали

А. ГРЕЧКО.

ОХАНГАРОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

тари вазифасидан ва бюро аъзоли-гидан овоз қилди.

Пленум К. Аъзамовин Оҳанга-рон район партия комитети саста-сайлади.

ҚАҲРАМОН ХАЛҚ, ҚАҲРАМОН АРМИЯ



Ҳарбий ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

Жанговар қасамё

САҲИФА

№

9 2

1945 йил. Совет байроғи Бер-
линдаги Рейхстаг устида.

Е. Халдей фотоси.

ТАСС фотохроникаси.




Ватанимиз туғруғининг даҳ-
қизлиги, муқаддаслигини ҳиё-
қилиб, Улуғ Ватан урушининг
машаққатли йўлларини мардона
босиб ўтган кишилар ўз жанго-
вар сафдошларини ҳеч қачон
унуттирмайди. Улар уруш май-
донларида қаҳрамонона ҳалок
бўлган кишиларнинг ёдига ҳа-
мўна бўлиб қолган. Ҳаётининг
ҳурмат билан эслайдилар. Го-
либлик байроғини кўтариб қай-
ганлар эса ҳануз бир-бирлари
билан учрашиб турадилар. У-
ларнинг орасида уруш йил-
лари боғланган дўстлик ало-
қалари ҳануз давом этиб кела-
ди.

Шундай учрашувлардан би-
ри шу йилнинг баҳорида Самар-
қанд шаҳрида бўлиб ўтди. Қў-
на шаҳарга иккинчи даражали
Суворов ордени 78-Заворо-
нский дивизиясининг ветеранлари
интиқидилар. Ана шу учрашу-
да сержант Хасан Ефимович
Алаев ҳам иштирок этди.

78-ўқин дивизия 458-ўқин
полкнинг бўлими командири
сержант Алаев 1942 йили Ха-
нинно қишлоғида жанговар қас-
амё қабул қилди.

Дивизия қисми муваффақият-
сиз ҳужумдан сўнг ана оғир
шароитларда ўз позицияларини
ағаллади. Жангчилар ва ко-
мандирлар бутун сутка мобай-
нида сузда қоллиб кетишди. Фа-
шистлар атрофдаги ҳамма аҳо-
ли ашайди жойларини ёқиб
юборган эди. Йўл йўқлиқдан
дизия татаминотдан маҳрум
бўлиб қолди. Ана шу оғир
шароитда дивизия қишлоқни
озод қилиш тўғрисида буйруқ
олди. Оч, уйқусизликдан низо-
ятда тошқан жангчилар ва ко-
мандирлар темир прола, ҳамда
сабот-матонатининг юксак наму-
наларини кўрсатишди. Дushman
ҳужум йўлини қаттиқ тўсиб
қўйган эди. 14 августта Утар
кочаси 458-ўқин полкнинг 1-
батальонига бағийлиқ сойни
шокинес ва махфий равишда
ағаллаб, Ханнин қишлоғининг
гарб томонига чиқиб ва тонгда
душманининг таътиқ пунгига
ҳужум қилиш тўғрисида буй-
руқ берилди. Ана шу масъу-

И. БЕЗНОСКО,
78-дизиянинг сойи-
батальон командири.



Бу сурат Ғалаба кунига бир неча кун қолганда Австрия-
да олиниб, Х. Алаев (чапда) ўзининг жанговар дўстлари В.
Пчелинцев ва М. Косирев билан.

ДИВИЗИЯ БАЙРОҚЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Ғалаба кунини арафасида Қи-
зил байроқ ордени Туркистон
ҳарбий округи қўшинлари тасри-
х музейига жанговар жасорат-
ларнинг қаҳрамонлари ва ва-
танининг ҳозирги ҳимоячилари,
мўсафид ишчилар ва ўқиту-
чи, студентлар ва мактаб
қўқувчилари, юзлаб томошабин-
лар келиб туришди.

Урта Осиёдан юборилган со-
йи 162-Қизил Байроқ ордени
ва Суворов ордени дивизия
едорликларини кўздан-кечи-
раётган бир гуруҳа ёшлар Улуғ
ватан уруши ветеранининг га-
пларини байроқлар залида мароқ
билан тингладилар.

Хўжақалар, хатлар, альбом-
лар ва фотосуратлар Москва
ийинидаги тарихий жағдаларда
туркистонликлар кўрсатган қа-
ҳрамонона шижоатлардан дало-
лат беради.

Тошкент корхоналарида ва
ўқув юртыларида «Жанговар
байроқлар ҳикоя қилади» деган
шнор остида музейнинг кўча
тематик виставкалари ўтказил-
монда. (УЗТАГ).

— Буюк ғалаба ўз-ўзидан
қўлга киритилган йўқ. Совет
кишиларнинг метирик ирода-
си, инсония қаҳрамонлиги, бир
акил оилага жам бўлиб, зўр
ушқоқлик кўрсатилган ту-
файли ғалаба байроғи қада-
лди. Урушнинг нони ўзсини.
Жон олиб, жон берилган йил-
лар қанчалар оилалар бошига
муносиб солмади, дейсиз! Биз
бу алоб-укубатларини ҳеч қачон
унутмаймиз. Шу сабабли пар-
тия ва ҳукуматимиз жаҳонда
тинчлик бўлиши учун ҳамма
чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Моҳир педагог Саттор ака
Бегимкулов уруш хотиралари-
ни эслар экан, шуларни қўшим-
ча қилди.

Ха, Улуғ Ватан уруши қа-
ҳрамон совет халқининг буюк
ғалабаси билан тўғди. Бу ға-

ҲАМОН ОЛДИНГИ САФДА

лабага Саттор ака сизгари қў-
лаб аёқдорларнинг ҳам муносиб
ҳиссаси қўшилди.

Фашист газандалари она ди-
ригига қўқисдан ҳужум қил-
ган ўша дастлабки кунлардаёқ
Саттор ака пискентлик қалби
олиб йиғилган билан жанг май-
донига отланди. Тиш-тироғи
билан қуролланган фашистлар-
ни тор-мор келтириш учун ку-
рашда жангчилар билан бир
сафда борди. У Кавказ мудо-
фасида қатнашди. Варшавани
озод қилишда, Берлинни олиш-
да катта жасорат кўрсатди.

Ўзбек жангчисининг қаҳра-
монлиги муносиб тақдирланди.
У «Қизил юлдуз» ордени ва
бир неча медаллар билан муко-
фотланди.

Калинин районидagi Белтепа
қишлоғида ўсиб-ўлғайган меҳри-
дарё ўқитувчи Солиҳ ака Шо-
киров ҳам уруш йилларида
жанговар йўлни босиб ўтди. То
улуғ ғалабага қадар у жанг
майдонларида бўлди. У ҳам ў-
ғи ақини ишон эгаси.

Ҳозир бу икки зийкор ёш ав-
лодин ўқитиш ва тарбиялаш би-
лан машғул. Ўртоқ С. Бегимку-

лов Пискентдаги 19-мактабининг
директори. Ўзини қўлида жуда
қўп ўғил-қиз таҳсил қўрди.
Райондаги 20-мактабининг дире-
ктори Қ. Умиров, 19-мактабининг
директори М. Султонов, или
соҳиб Т. Аноркуловлар уни
ўзларининг сеvimли устозлари
деб билишади.

Солиҳ ака Шокиров эса Ка-
линин районидagi 43-мактаб-
нинг илмий бўлим мудирини.
Қўлаб ёшларнинг илм олиши-
да унинг меҳнати сингди. Мо-
ҳир педагог бой тақрибага эга.
Ўзини ташаббус билан мактаб-

да тўғараклар ташкил этилди.
Ўқув савияси анча ошди. У ёш
педагогларнинг меҳрибон усто-
зи сифатида танилди.

Ғалаба байрами нишонлана-
ётган шу кўнгул айём бу икки
халқ ўқитувчиси учун ҳам жу-
да қўвончли кун. Саттор ака
ўзининг 60 йиллик юбилейини
нишонлайди. Солиҳ ака эса бу-
гун 50 ёшга тўлди.

Педагоглар, шогирдлар улар-
ни чин юракдан қўтлайдилар,
бахт-саодат тилайдилар.

А. АЛИЕВ.

ҚАЛАМНИНГ ҚУДРАТИ

Журналистларнинг улкан
иқидий лабораторияси, катта
мактаб — «Совет Ўзбекисто-
ни»да ўқувчилар оmmas эъти-
роғ этган захматқаш қалам со-
ҳиблари бор. Ҳасан Нурматов,
Холбеков, Елдоров, Жуманиёв,
Жабборов, Маъруф Назаров,
Расул Раҳмонов, Ёлтибор Оху-
нова, Абдукарим Набиқўжаев,
Абдуллоҳ Абдуқодиров, Му-
ҳаммад Мансуровлар шу дар-
гоҳда қалам чархлаган.

Бу рўйхатни анча давом эттириш
мумкин. Машаққатли меҳнат
ва иқидий излашни туфайли
шарафли сафта қўшилган қа-
ламшарҳлардан бири Самад Қо-
дировдир.

1968 йил, кузнинг сўнги
кунлари эди. Самад ана хонага
аллақандай ҳажон билан ки-
риб келди. Умуман Самад ака
ахтирсини, анчайин лирик қай-
фиятини, таъсирчан киши. Би-
роқ, бу сафар у тамоман бош-
кача эди. Қўлида «Комсомоль-
ски правда»нинг янги сонини.

— Тинчликми, Самад ака,
«Комсомольски» нималарни ёзиб-
ди?

— Укам, — деди Самад ака
қўлидаги газетани стол устига
эзиб, — буни қаранг, янги ў-
бек қаҳрамони! У бизни деб,
сизни деб, Ватани деб қон тў-
кан, жанг қилган. Балки, ҳаёт-
дир, балки шахиддир. Лекин
номи бор-у, ўн йўқ. Афсус, бу-
нинг устига фамилияси бузиб
ёзилган. Йўқ, Утназаров бўли-
ши мумкин эмас! Хушназаров-
дир, Ҳақназаровдир.

Ўрни келганда, шунинг ҳам ай-
тиш керакки, суҳбатдошим
жангчи-журналист, 10 йил ас-
карлик тузнинг ичган. У 1942
йил Қашқадарёда йўл олиб
Берлинга борган.

Самад ака Москвага, СССР
Мудофиа Министрлигининг хат
эзиб, Хушназаров жанг қилган
қисм командири Рибченковнинг

адресини топти. У Киевда яшар
экан. Тез кунда Киевга, «По-
люковик Рибченков», генераллар-
дан Баринов ва Телегинга, тур-
ли ҳарбий архивларга хат жу-
налди.

Полковник Рибченковдан 13-
кунли жавоб хати келди. Соёқ
командир биринчи бўлиб Сапар
Хушназаровнинг фамилиясини
тўғри ёзган ва унинг ўзбек
эканлигини тасдиқлаганди.

Муҳбир Рибченковнинг, хати-
дан руҳланиб кетди. Самар-
қандга, қаҳрамоннинг ватанига
йўл олиб Нарпайдан, Қўрғонча
қишлоғидан бир дунё хушхабар
билан қайтди. Тез кунда газе-
тада Самад Қодировнинг «Совет
Ўзбекистонининг Самарқанд
област муҳбири Латиф Эргаш-
ев билан ҳамкорлигида ёзган
«Утназаров» деган мақоласи чиқди. Орадан
икки кун ўтган, хонага ҳарбий
формали майор кириб келиб,
Қодировни сўради.

— Сиз менинг чорак асрлик
армонимни юзга чиқардингиз.
Мен Сапар Хушназаровнинг взо-
вод командири эдим. Мен уни
ўз қўлим билан катта оман да-
ракетининг остига қўлганман.

Чирчиқлик майор Саид Юну-
сов билан учрашув ҳаммани ҳа-
жонга солиб турган бир дамда
телефон кириб, авторни сў-
раб қолдишди.

— Мен Алиевман, — деди
трубкадан овоз. У республика-
даги обрўли ташкилотлардан
бирининг номини айтиб, ўзини
таништирибди, қатъий шундай
деди.

— Ўртоқ Қодиров, Сапар
Хушназаровни қидириб овозга
бўлишди. У узоқ Сибирда, тур-
мада, 25 йилга кесилган. Ўнинг
ёнида яқинда бир одам келди.

У тирик, лекин... Хушёр бўлинг,
эсингизнинг борида эгагингизни
ёпинг.

Бу телефондан сўнг ҳаёлга
ботиб, изтиробида тушган жур-
налист «Чирчиққа» жуналди. Са-
пар Хушназаровнинг «взвод
командири майор Саид Юну-
сов шу шаҳарда турарди».

Совуқ киш эди. Ўз қў-
лим билан қор қазидим, —
деди Саид ака. Вздоимизда
яна анча ўзбек йиғиллари
бор эди. Волгадан Араббев,
аниқ эсимда, у ҳозир ҳам ҳа-
ёт, Андижон тарафда.

Автор Чирчиқдан қайтганда
унга Андижондан келган хат
столнинг устида турарди. Ан-
дижонлик Болтабой Араббев,
Саид Юнусовнинг гапларини
аниқ тасдиқлаганди.

Лекин шу орада сира қўтил-
маган вояча бўлди. Редакцияга
қўқисдан анча-мунча ордени-
далари бор бир киши кириб
келди. Анчайин салобатли. Қў-
ришди, сўрашди.

— Мен ўша сиз қидирган
қаҳрамон бўлман, — деди
мағрур қиёфада.

Ҳаммамиз шодланганимизни
ҳам, ажабланганимизни ҳам
яширолмади қолди. Лекин бу
шодлик бир дамда чекинди. Са-
мад ака «қаҳрамонга» раам со-
либ сўради:

— Сиз Сапар Хушназаров-
мисиз?

— Мен Сапар Ҳақназаров-
ман, лекин қўмондонлик қа-
ҳрамонлиқа тасвир этганда
«Утназаров» деб адаштириб
юборган. Ўша Днепрни бири-
чи бўлиб кечиб ўтган, 32 не-
мисни қириб ташлаган қаҳра-
мон мейман, чорак асрдан бе-
ри унвонимни ололмаيمان...
Раҳмат сизга, катта ёрдам қил-
дингиз, — деб қолди янги «қа-
ҳрамонимиз»...

Хушматли дўстлар! Сизнинг
қўччиликниз яхши хабардор-



сизни, Сапар Хушназаровнинг
қаҳрамонлиги унвонини унинг ва-
фодор хотини, Қўрғонча қи-
лоғида яшаётган Менгли опа
Хушназаровга топишди.

Бу ҳақда 1971 йил СССР
Олий Совети Президиумининг
лиси Фармонин эълон қилинди.

Лекин самарқандлик Ҳақна-
заров сохта қаҳрамон бўлиб
чиди. Уни журналист сезир-
лик билан фож қилди. Хуллас,
бу бир мақола ана шунча таш-
вишлар, изланишлар, сафар-
лар, суҳбатлар, ўйланниш ва му-
шоҳадалардан сўнг туғилди ва
«Совет Ўзбекистонининг» жур-
налист Самад Қодировнинг
«Қаҳрамонлар мангу яшайди»
номли иккинчи мақоласи ва
«Изларинг излагайман» номли
воқеий ҳиссаси билан юқунди.

У бу асарлари учун Ўзе-
бекистон ССР Журналистлар со-
юзининг лауреати бўлди.
Икки йил хабарларни тутиш
эган мақола ана шундай дунё-
га келди. Журналистнинг қам-
тона қалами билан йиллар бў-
йи қўнғилган буюк ҳақиқат ру-
ёба чиди.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

ВETERАН

Жалол шериги, ёш комсомол
азоси ёқут Касиян Закруткин
билан бирга нишонланиб, бузил-
ган омор ертўласига тушибди
ва унинг деразасини олиб таш-
лаб, ўзларининг «максим»ни
ўрнатдилар.

Тонгда душман шафқатсиз
ҳужумга дош беролмай чекина
бошлади. Лекин қочиб қўтулиш
осон эмасди. Никобланган икки
тўғининг аниқ отишлари улар-
ни бир чеккадан ер тилшда
бошлади.

Воронеж остонасидан жанг-
да жасур тўп расчети «Жасур-
лиги учун» медаллари билан
тақдирланди.

Шундан сўнг Жалол Остро-
гошча, Валдус, Эски ва Янги
Оскалан шаҳарларини озод қи-
лишда қатнашди.

1943 йил июлида, Бел-Горск
ёнида жанг қилиб, Орёл-Горск
шаҳарини озод қилишда қатнаш-
ди ва Шимоллий Донец дарёси-
ни кечиб ўтишда оғир аралан-
ди. Шимолий Донец жанглари-
да иштирок этгани учун «Жан-
говар хизматлари учун» меда-
ли билан тақдирланди.

Жалол бир йил госпиталда
даволанган, урушнинг сўнги
кунларида Охангаронга қай-
тди. Ҳисобчи бўлиб ишлади,
кейинроқ агрономлар тайёрла-
диган қисқа муддатли курслар-
да ўқиди. 1954 йилда бирнеча
колхозлар билан «Оханга-
рон» совхозини тузилганда у бў-
лим агрономи вазифасида, сўнг
III-чорватчилик бўлимининг бош-
қарувчиси вазифасида ишлаш
бошлади.

Жалол Файзиев бошқиб бў-
лин районда энг яхши кўрсат-
кичларга эришиб келмоқда.
Улар давлатга туш ва бошқа
маҳсулотлар топширини планла-
рини доим ортири билан бажа-
ришади.

В. УРИЦКИЙ,
запасдаги старший лейте-
нант.

Жанговар қўроқ шпичини қўлларда.

А. Асанов фотоси.

ЎН БИР БАҲОДИР

«Бутун мамлакат Шарқнинг 11
шонили фарзанди — тўқиз ўзбек, қозоқ
ва татар йиғилишининг жасорати ҳақидаги
хабарни эшитди. Улар бир тепалиқни
мудофиа қилиб, сон жихатдан 30 марта
куп бўлган душманининг йўлини тўси-
дилар. Уларнинг ҳаммаси мардларча ҳа-
лон бўлган тепалиқ Шарқнинг ўнбир
қаҳрамонини тепалиқ деб ном олди.
«СССР ҚИСҚА ТАРИХИ»
китобидан».

Тошларга ўйлиб уларнинг исми,
Ҳайкалга айланиб қолди қомати.
Дунёиш йўлида гул бўлиб жисми.
Чўки не дилларда жанг қиймати.
Хали эсимдаган севги оғити,
Солдатлар қалбига қасамдир чўкиб.
Ер кўтара ёйларини ишқ ҳикоясини
Ох кинга сўзласини қўнғилини тўкиб.
Худди ток ургандай жонқираб этиб,
Сексаниб кетаман агар уйласам.
Усанкиш ёйларлар севгисини отим.
Муножот, Муножот бўлимас қўйласам.
Ўттиз йил мукдам Волга бўйида,
Қонга — қон жонга-жон қўшилган дамлар,
Европа тўлганда порох бўйига,

Юртни тозалардик ёдан қадамлаб.
Хали Европада жанг асорати
Хали тутаётган минглаб қўлбарлар.
Шарқлик йиғилларнинг бир жасорати
Паулюс қўқисига солар гулгула.
Бир қозоқ, бир татар, тўқизта ўзбек
Ўттиз баробар қўп душманга қарши.
Номсиз тепалиқни асарди қўздек.
— Ер йўқ! деб, душманга ҳатто бир аршини,
— Бир қадам чекинган аталар хонин,
Волга бўйларига дохил нзи бор.
Бундодир Лениннинг туғилган жойи,
Ҳар солдат истеҳком, ҳар солдат девор.
Ушбу тепалиқни сақлолмас омон
Селдаи ёриб ўтар жангчиларимиз.
Солдатлар нитилиб Берлинга томон
Евни янгиб ўтар тапчиларимиз.
Аммо насиб этмас бизга бу оилар,
Сингтар Ер бағрига қўқис қонимиз.
Солдат елдоқтин эслар замоналар,
Жисимиз гул бўлар 8 бугунги нонин.
Тошларга ўйлиб уларнинг исми,
Ҳайкалга айланиб қолди қомати.
Дунёиш йўлида гул бўлиб жисми,
Чўки не дилларда жанг қиймати.

Анвар ЭШОНОВ.



ЁШЛИК БАЙРАМИ

«Биз ватанпарвар, интернационалчилармиз!» деган шior остида республикамизнинг барча областлари ва Қоракўлпоғистон АССРда ёшлар фестиваллари бўлиб ўтди. 7 май кунин эса, фестиваль республикамиз пойтахтига етиб келди. Бу ерда ёшлик фестивалининг якуловчи тантаналари бошланди. Кўриқда област фестивалларида голиб чиққан 2 мингта яқин йигит-қиз қатнашмоқда.

Ёшлик байрамининг программаси раиғ-баранг ва жуда сермазмун. Ёшлар бир неча кун давом этадиган фестиваль тантаналари вақтида ўз санъатларини, меҳнат маҳоратларини ва билим-заковотларини намойиш этадилар. Кўриқ голиблари Москвадаги Бутуниттифоқ ёшлар фестивалига ва Берлинда бўладиган Х Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивалига йўлланма оладилар. Суратда: «Пахта-кор» стадионида ёшлик байрами тантаналари.



Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ПОЛЬША АТОМ ТЕХНИКАСИНИНГ ЯНГИЛИГИ

ВАРШАВА, 8 май. ТАСС мухбири Н. Железов хабар беради: Польша фани Польшанинг янгилашиб келатган 30 йиллигини тез нейтронларда ишловчи ноёб реакторни янги таъшириш билан намойишлайди. Бу реакторга янги хабар хабарлари Мария Юри-Склавовская хотирасига «Мария» деб ном берилди. Варшава янгилаштириш таъшириш асосини ишловчиларни жадал сурат билан монтаж қилишмоқда. Бугунги кунда кичик «Агата» реактори олин ва техниклар группасига ёрдам беришмоқда. Бугунги реакторнинг ҳамма майда деталлари ва конструкцияларини текшириб ва ҳисоблаб чиқиб ундан фойдаланиш энг самарали методларини аниқлаш учун шу кичик реактор ясади.

Польша атом фани ва техникаси кейинги 15 йил мобайнида ўсиб етиши, деса бўлади. Совет илмий-тадқиқот марказларининг бегараз, қардошларча ёрдами билан электр станциясини лойҳалашга тайёрларлик ишлари олиб боришмоқда. Ядро физикаси билан шуғулланувчи поляк мутахассислари катта мактабни ўсиб етиши. Польшанинг икки «Мария» ва «Агата» реакторларини шу мутахассислар лойҳалашди.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

ПРАГА, 7 май. (ТАСС). Бугун Прагада ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларини нормаллаштириш тўғрисида шартномани имзолаш учун ЧССР билан ГФР ўртасида расмий музокаралар бошланди, деб хабар беради ЧТК агентлиги.

Музокараларда Чехослования делегациясига ЧССР таъши ишлар министрининг ўринбосари И. Гетц, ГФР делегациясига — ГФР Таъши ишлар министрининг статс-секретари — П. Франк бошчилиги қилинмоқдалар. Музокаралар бошлангани олдидан ЧССР таъши ишлар министри Б. Хисеупек П. Франкни қабул қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

НЬЮ-ЙОРК. Совет Иттифоқи Американинг Спонан шаҳрида (Вашингтон штати) очилди-дан «Энспо-74» халқаро выставасига қатнашди.

Атмосфераварида муҳитини инфосиланидан сақлаш шiori остида уюштирилган бу выставка кўп мамлакатларнинг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Вистанадаги Совет павильони энг катта павильонлардан бири бўлади. СССР савдо-саноат палатасининг вакили 6 майда Спонан шаҳрида павильон куриш тўғрисидаги битимни имзолади.

КУРАШ ВА МЕХНАТ ЙИЛЛАРИ

Бугун — қардош Чехословак диверда кўш байрам. Тарих тақозоси шундай бўлдики, бу мамлакатнинг фашизм зулми-дан озод бўлиши совет ҳалқи ва армиясининг гитлерчилар Германияси устидан қозongan буюн ғалабаси кунига тўғри келди.

1945 йил 9 Май. Бу кун чехословак халқи тарихининг ёрқин саҳифаси бўлиб қолди. Уша кун Чехослования шаҳар ва қишлоқларининг минг-миглаб аҳолиси ўз ҳалоскорни—Совет Армияси жангчиларини кутиб олгани кучок-кучок гул изтариб кўчага чиқди. Ўз интернационал бурчиини садоқат билан бажарган жангчиларимиз тинчлик даврининг биринчи кунларида ноқ қардош халқга уруш тўғрисида вайрон бўлган ҳўжалисини қайта тиклашга ёрдам берабосиладди.

Ўтган 28 йил давомида Чехослования меҳнатқиллари Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакат экономикасини тараққий эттириш ва социализм куриш йўлида катта муваффақиятларга эришдилар. Ленин бу йўлда оғир қийинчиликларни енгиб ўттишга тўғри келди. 1948 йилнинг февраль ойида Чехослования буржуазияси Ғарбдаги реакция доираларини қўллаб қувватлашда мамлакатда сиёсий тўнгарини амалга оширишга уруниб кўрди. Ленин чехословак халқи Компартия раҳбарлигида реакция планларига қаршилик зарба берди ва мамлакат социализм тараққий йўлига ўтиб олди. 1960 йилда қабул қилинган конституция Чехослованияда социализм ғалаба қозonganлигини аъён қилди. Чехослования республикаси Чехослования Социалистик Республикаси деб қайта номланди.

1968 йилда аса ўнг оппортунистик ва антисоциалистик элементлар социализм куришнинг давомида вақтинча тўттилган қийинчиликлардан фойдаланиб, халқаро реакциянинг мададига таянган ҳолда ЧКПга қарши оқиб кураш йўлига ўтиб олди. Чехослованияда социализм ҳавф естиб қолди. Шунда ЧКП Марказий Комитети, ҳукумати, ЧССР Миллат мажлиси депутаты мурожаатига жавобан

БУГУН — ЧЕХОСЛОВАК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган беш давлат қўшинлари қардош Чехослования халқига ёрдамга келди. Мамлакатда социализм йутуқлари сақлаб қолинди.

1969 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган Чехослования Коммунистик партияси Марказий Комитетининг апрель Пленуми Чехослования Коммунистик партиясининг раҳбарлигини ошириш, давлат ва жамоат органларини мустақамлаш масалаларини кўриб чиқиб, сўз оппортунистик ва миллатчи элементларга қарши кескин таъбирлар кўрди. 1971 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Чехослования Коммунистик партиясининг XIV съезди социализм талабаларини мустақамлаш, империализм ғоялари устидан катта ғалаба қозonganлигини қайта қилиб. Съезд ишлаб чиқаришни ривожлантириш халқ ҳўжалигини планли раҳбарлик қилиш методларини такомиллаштиришга қаратилган 1971—1975 йилларга мўлжалланган иқтисодий тараққийет планини қабул қилди.

Ҳозирги Чехослования кўндал саноати юксак тараққийет даражада мамлакатлар қаторидан ўрин олган. Халқ ҳўжиятини йилларда республикада социализмнинг кудратли моддий-техника базаси арунуда келди. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди. Миллий даромад 1948 йилдагига нисбатан 4 марта ўсди. 1971—1975 йиллар давомида миллий даромад 5 процент ўстириш кўда тўтилган. Бу асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига амалга оширилди.

ЧССР — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашининг актив аъзоси. Социалистик мамлакатлар экономикасини планли равишда юксаттириш тўғрисида мамлакат экономикасини муваффақиятли ривожлантириш. Мана ўн йилдирки қардош халқ «Дўстлик» кўпури ортида Совет Иттифонидан етказиб берилаётган нефдан баҳраманд бўлаётир. Арзон нефть хом ашёни тўғрисида мамлакат саноати сўғити йилларда 4,5 миллиард крой фойда кўрди.

Халқ ҳўжиятини йилларда экономиканинг муҳим тармоғи қишлоқ ҳўжалигини ҳам тўндал қайта қурилди. 1949—1960 йилларда амалга оширилган социалистик кооперативлаштириш тўғрисида хўсуслик майда деҳқон ҳўжаликларини йирик ишлаб чиқариш кооперативларига бирлаштирилди.

Ҳозирги кунда ерларнинг 90 процентини социалистик секторга қарайди. Қишлоқ ҳўжалигини социалистик асосларга қайта куриш тўғрисида меҳнат унумдорлиги икки баравар ўсди. Унумдор майдонлар кенгайди. Мазкур беш йилликнинг охирига бориб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришини 1970 йилга нисбатан 14 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Халқ ҳўжиятини йилларда аҳолининг истеъмол даражаси ҳам бегиб ўсди. 1948—1970 йиллар давомида ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи икки бараварга яқин ортди. 5 миллион киши янги уйлarga қўчиб кўрди. Беш йилда ишчи ва хизматчилар 100 мингдан ортиқ квартира оладилар. Шунингдек солиқини сақлаш, халқ маорифи соҳаларида ҳам катта

ўзгаришлар содир бўлди. Бундан 20 йил муқаддам ташкил этилган Чехослования Фаңлар академиясини қўшидан 143 илмий тадқиқот институтларида халқ ҳўжалигининг турли соҳалари бўйича самарали изланишлар олиб борилаётти.


Чехослования Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан бирдамлик, дўстлик ва ҳамкорлигини мустақамлашга қаратилган ташкил сийасат олиб борилади. Европа иқтисодида мустақам тинчлик ва хавфсизлик ўрнаттишга катта эътибор бермоқда.

Уртоқ Л. И. Брежнев шу йил 23 февралда Прагада Старомест майдонида февраль ғалабасининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўп миң кишини митингига сўзлаган нутқидан Совет-Чехословак халқлари дўстлигини бундай таъкидлади:

«Ўтган йиллар давомида дўстлигини мустақамлашди ва воғга етди. Совет Иттифоқи ва Чехослования халқларининг ҳаёти ва меҳнатига асосий мазмун берган нарсаларининг ҳаммаси сизлар билан бизни қон-қардош қилиб ва бирлаштириб турибди. Сизлар билан биз ишчилар синфининг идеалларини рўбга чиқариш учун бирга курашмоқдамиз. Ҳаммамиз биргаликда тинчликка интиломоқдамиз. Социализм мамлакатларининг хавфсизлигини таъминламоқ ва инсониятни уруш хавфидан ҳалос қилмоқ учун бутун кучини сарфлашга мақсад бел берилаётимиз».

Чехослования халқи КПСС ва кўп миллатли Совет давлатининг таърибларига таъин қилинган ривожланиш социалистик жамият куриш йўлида самарали меҳнат қилиб, янгида-янги зафарларга эришмоқда.

М. САИДХОНОВА.



ПРАГА: Вацлав майдони.

В. ЕГОРОВ фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Реклама ВА Эълонлар



9 МАЙ
ҒАЛАБА БАЙРАМИ
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар программа.
сн. 10.00 — Янгиликлар.

Ўзбек тилида: 10.10 — «Марди-милли». «Ғалаба» кўнги бағишланган кўрсатув.
11.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 — Кўрсатувлар програм.
маси. 18.35 — «Юлдузча» телеви-
сион журнали (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.05 — «Жанговар
шўхрат клуби». Ғалаба кўнига ба-
ғишланган кўрсатув. 20.05 — «Ах-
борот» информацион программа-
си.

Ўзбек тилида: 20.20 — Ўн ми-
нут музика. 20.30 — «Ахборот»
информацион программа. 20.30 —
Гафур Гуломнинг адабий порт-
рети. Шior тўғрисида кўнинг 70
йиллигига бағишланган кўрсатув.

21.50 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.40 — «Хотира». Бадий
фильм (Ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар програм-
маси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Ғуручи-
лар учун. «Оталарнинг жасорати».
11.30 — «Назнинг болагини».

Бадий фильм.

18.25 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.10 — «Прогресс» програм-
маси (рус тилида).

22.40 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.00 — Тошкент янгиликлари.
19.15 — «Қаҳрамон Сталинград».

Телевизион фильм (Ўзбек тилида).
Рус тилида: 19.35 — «Май ой-
лари эди». Телевизион бадий
фильм. 21.20 — «Хотиралар он-
шони». Киноконцерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ.
ДА — 9/У да Москва сатира теат-
рининг гастроллари.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —
9/У да Тарих тилга кирди (кундуз
соат 12 да). Йўқолган узун (кун-
дуз соат 3 да). Ўғирланган умр
(кечкурун).

МУКИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —
9/У да Умарлар (кундуз соат 12
да). Кумуш тўй (кеч соат 8 да).
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —
«Вильянос» Литва цирки артистла-
рининг охири гастроллари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Еттинчи ўқ — «ҚУЧКА». НА-
ВОИЙ номли (Ўзбек тилида).
«МОСКВА» (тоқ соатларда). «ТОШ-
КЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛИГИ».
«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛИГИ».
«ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун).
Поенсиз кўча — «ЎЗБЕКИ-
СТОН». «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИГИ»
(кўфт соатларда). ҲАМЗА номли
(кундуз ва кечкурун).
Арбат ва Бубулинос кўчаси му-
юлишида — «СПУТНИК» (кундуз
ва кечкурун).
Бриллиант кўча — «ВОСТОК»
(кўфт соатларда, кундуз ва кеч-
курун).
Оламнинг яратилиши — «ДРУЖ-
БА» (кўфт соатларда, кундуз ва
кечкурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Лаутарлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Поенсиз кўча — «ХИВА» кеч
соат 8.30, 10.20 минутда).

КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕ- ЛАРИ РАХБАРЛАРИ, КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Район матлубот жамиятла-
рининг таъйилов идоралари,
қишлоқ матлубот жамиятлари
ва Тошкент шаҳар кооператив
савдоси ўзларининг қабул
қилинган, таъйиловчилари ва
автоматизация саёр таъйи-
ловчилари орқали колхозчи-
лардан, совхоз ишчи ва хиз-
матчиларидан боаор баҳосида
боаорга боришга вақт кетказ-
масликлари учун ишала то-
нон келишувни асосида ҳў
савбоот, нарам, помидор, бод-
риш, пияз, сабзи, редиска, ук-
роп, петрушка, салерей, ш-
вель ва бошқа қишлоқ ҳўжа-
лик маҳсулотларини

СОТИБ ОЛАДИ

Колхозчилар, совхоз иш-
чилари ва хизматчиларидан
сотиб олишган қишлоқ ҳўжа-
лик маҳсулотларига наид пул
тўлаш йўли билан ҳисоблаш-
лади.

Тошкент област матлубот
жамиятининг правленесини
колхоз правленесини, колхозчи-
лар, совхоз ишчилари ва хиз-
матчиларини орқига қишлоқ
ҳўжалик маҳсулотларини со-
тиш учун матлубот коопер-
атив ташкилотларидан кенг
қаламда фойдаланишга таъи-
ради.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ

ЙУТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

Бўйиқлар тиражнинг

Расмий мадали

Бу тираж 1973 йил 8 апрел-
да Марғилон шаҳрида бўлиб
ўтди.

Ўзбекистон ССРнинг барча
омонат кассаларида сақланган
омонат сўбталарининг кўнидаги
номларига йутуқлар чинди:

Сўбт номери	Йутуқ миқдори — оло- натнинг ўртача сўб- масини нисбатан про- цент ҳисобига	Сўбт номери	Йутуқ миқдори — оло- натнинг ўртача сўб- масини нисбатан про- цент ҳисобига
A-11	25	A-543	25
A-47	25	A-592	25
A-113	200	A-608	25
A-155	25	A-676	25
A-195	25	A-688	25
A-204	25	A-750	25
A-274	100	A-785	100
A-287	25	A-819	50
A-340	25	A-960	50
A-367	25	A-911	25
A-401	25	A-952	25
A-450	25	A-962	25
A-510	25		

Сўбталарнинг сони 1000 дан
ошган омонат кассаларида —
биринчи миңда қайси номер-
лар ютган бўлса, қолган миң-
ларда ҳам шу номерлар ютиб
чиқарилади. Масалан: сўбт №№
A-1011, A-2011, A-3011, ва
хўнало, A-1603, A-2603,
A-3603 ва хўнало.

Тираж комиссиясининг раи-
си — Марғилон шаҳар ин-
роия комитетининг раиси
Н. ХОЛМАТОВА.

Комиссиянинг масъула сек-
ретари

С. ҲАЙИТОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг
босмаханаси Тошкент шаҳри.